33 (583)
2007 йил 15 август
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри
Чоршанба кунлари чиқади

2
Кўз очиб-юмгунча бунёд бўлган бино
Маслаҳатчилар беллашди, ғолиблар аниқ

3
Таҳририятдаги можаро тафсилоти
Нонни қадрла, қадринг баланд бўлади

4
Эл корига яраяпсанми, демак, яшаяпсан!
Сабзини тўғраш кимнинг иши?

ИСЛОМ КАРИМОВга ЮНЕСКОнинг ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 август куни Оқсаройда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи билан учрашди.

— ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан ўтказилаётган ушбу нуфузли халқаро анжуман Ўзбекистонни, ўзбек маданияти ва илм-фанини дунёга танитишда муҳим аҳамиятга эга, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бизнинг заминимизда етишиб чиққан буюк алломаларнинг ислом таълими, маданияти, умуман, жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

Учрашувда Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан, Кувайт Давлати маориф ва олий таълим вазири Нурия ас-Сабиҳ хоним ва Қозоғистон Республикаси мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абсаттор Дўрбесали ISESCOнинг Тошкентни ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиш ҳақидаги қарори фақат ўтмиш билан боғлиқ эмаслигини, ўзбек халқининг бугунги бунёдкорлик фаолиятига ҳам берилган юксак баҳо эканлигини таъкидладилар.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий обидалар ва муборак қадамжоларни тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, маърифатли ислом ғояларини ёйиш, диний бағрикенгликни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

Учрашув қатнашчилари ислом маданияти ва фанини ривожлантиришда мамлакатимиз муҳим ўрин тутишини, ўзбек халқи ўз даҳоларининг хизматлари билан ислом цивилизациясини ривожлантириш орқали бутун дунё цивилизацияси равнақига ҳам улкан ҳисса қўшганини таъкидладилар. Халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини қайд этдилар.

Давоми 2-саҳифада

ПРЕЗИДЕНТ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 август куни Оқсаройда Араб давлатлари лигаси (АДЛ) Бош котиби Амр Мусони қабул қилди.

— Биз сизни нафақат араб дунёсида, балки бутун жаҳонда ҳурмат-эҳтиром қозонган етук сиёсий арбоблардан бири сифатида биламиз ва ҳурмат қиламиз, — *деди Ислом Каримов.* — «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференцияда Араб давлатлари лигаси делегациясининг қатнашиши анжуманнинг нуфузини янада ошириб, Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожидаги аҳамиятини янада ёрқин намоён этишга хизмат қилади.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши аждодларимизнинг ислом илм-фани ва маданиятини ривожлантиришга қўшган беқиёс ҳиссасининг, мамлакатимизда илмий-маданий меросни асраб-авайлаш, қадимий обидалар ва муборак қадамжоларни тиклаш ва ободонлаштириш, фан-таълим ва маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро миқёсдаги эътирофидир. Айни пайтда ташкилотнинг мазкур қарори бугунги Ўзбекистонни, ўтмишда бу заминдан етишиб чиққан буюк алломаларни дунёга янада кенгроқ таништиришга хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

АДЛга аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг ислом тарихида тутган ўрни нечоғли муҳимлигини эътироф этган ҳолда, юртимиздаги бугунги ўзгаришларни ҳам юксак баҳолайди. Хусусан, ислом маданияти ёдгорликларини асраб-авайлаш борасидаги ишларга, Ҳазрати Имом (Ҳастимом), Имом Бухорий ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний мажмуалари сингари иншоотлар янгидан бунёд этилганига алоҳида эътибор билан қарайди.

Амр Мусо узоқ йиллар давомида Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири сифатида фаолият юритган, 2001 йилдан буён АДЛга раҳбарлик қилиб келади. Ушбу ташкилотга 21 араб давлати ва Фаластин миллий мухторияти аъзо. Араб давлатларида сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни фаоллаштириш, араб ҳамжамиятида бирдамлик ва шериклик руҳини кучайтириш орқали хавфсизлик, мудофаа ва ташқи сиёсат масалаларида кўп томонлама мувофиқлаштирилган ҳолда иш тутишни таъминлаш, динлараро мулоқотни ривожлантириш, минтақадаги низоларга барҳам беришга кўмаклашиш АДЛнинг мақсад ва вазифалари сирасига киради.

Меҳмон ISESCOнинг Тошкентга бундай юксак унвон беришга оид қарори Ўзбекистоннинг ислом маданиятини, қадриятларини сақлаш ва бойитишга қўшаётган ҳиссасининг ҳақли равишдаги муносиб эътирофи эканлигини таъкидлади. Шу муносабат билан ўтказилаётган халқаро конференцияга таклиф этилгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. АДЛ минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорлигини қайд этди.

Учрашувда мамлакатимизнинг ушбу халқаро ташкилот билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Пойтахтимизда 14 август куни Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бошланди.

Ислом КАРИМОВ:
«Биз муқаддас динимиз ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий бир қисми, одамларни руҳий-маънавий поклаш, уларнинг онгу шуурида шукроналик, тинч ва осуда ҳаёт кечириш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ва мезони сифатида юксак қадрлаймиз».

Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўллаган табригидан.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугун унинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу, айниқса, мамлакатимизда демократик ва бозор иқтисодиётига оид ислоҳотларни амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида, давлатимизнинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари бераётган самараларда ўз ифодасини топмоқда.

Бунда Ўзбекистон ўзининг ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатига қатъий амал қилган ҳолда, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар, кўплаб хорижий мамлакатлар билан узвий алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётгани, шунингдек, йирик халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйгани муҳим омил бўлмоқда.

Ана шундай нуфузли халқаро тузилмалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) фаолиятида ҳар йили мусулмон дунёсидаги муайян шаҳарларни ислом маданиятининг пойтахтлари, деб эълон қилиш ўзига хос анъанага айланган. Бундан кўзланган асосий мақсад мусулмон мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб этиш, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш, ҳукуматларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборатдир.

ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, исломий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, аллома ва азиз-авлиёларимизнинг қадамжоларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Пойтахтимиз бундай юксак унвонга эришишида халқимизнинг ислом маданияти, фалсафаси, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, юртимиз тарихий обида ва меъморчилик намуналари, ислом динига оид қўлёзма манбаларга бойлиги ҳам муҳим ўрин тутди.

Азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришишида юртимиз алломаларининг қадимдан нафақат ислом, балки умумжаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ҳисса қўшгани ҳам назарда тутилгани шубҳасиздир.

Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси халқаро миқёсда эътироф этилишининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ҳукуматимиз томонидан мазкур воқеага бағишланган илмий ва маданий тадбирларни ўтказиш юзасидан махсус қарор қабул қилинди. Тошкентда иш бошлаган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ушбу қарорда белгиланган энг муҳим тадбирлардандир.

Пойтахтимизда очилган анжуманда ўттиздан ортиқ мамлакатдан юздан зиёд атоқли уламо, диншунос олим ва мутахассис, машҳур давлат, дин ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этмоқда. Улар орасида Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ), Араб давлатлари лигаси, ISESCO, UNESCO, ИКТ қошидаги Ислом маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази (IRCICA) каби йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари бор.

Давоми 2-саҳифада

18-19 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади

ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР ҲАШАРГА АЙЛАНМОҚДА

"Йигит келар ҳашарга", дея бел боғлаб, биринчилардан бўлиб умумхалқ хайрия ҳашарларига чиққан кекса отахонларни кўриб, кўнглингиз тоғдек кўтарилиб кетади. Уларнинг гурунгига қулоқ солсангиз: "Илгари бу каби ҳашарлар қаерда эди! Қўни-қўшни, ошна-оғайни ҳашарга айтса, ишини битириб, ошини еб қайтар эдик. Бир кун келиб бутун эл бир тану бир жон бўлиб ҳашарга чиқишини ким ҳам ўйлабди ўшанда!.." дея суҳбатлашаётган бўлади.

Дарҳақиқат, маълум муддат мобайнида бир қадар унутилаёзган миллий қадриятимиз — умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш анъанаси истиқлол йилларида қайта жонланди. Негаки, эзгу ишлар йўлида бирлашиш туйғуси юртдошларимиз қалбига қон билан сингган. Шу боис бугун маҳалладошлар ва йиғин фаоллари умумхалқ хайрия ҳашарини тез-тез ўтказиб туриш ташаббуси билан чиқишмоқда. Бундай хайрли ташаббуслар аслида халқимизнинг байраму тантаналарни озода ва сариштa гўшаларда кутиб олиш, шодиёна кунларда нафақат кўнгил пок, балки ён-веримиз, хонадонимиз, шунингдек, маҳаллаларимиз ҳам сариштa, обод бўлса, эзгу тилакларимиз ижобат бўлгай, деган азалий тушунчалар асосида туғиляпти.

Ҳа, тозалик, ободончилик ишларига эшлик халқимизга хос фазилатдир. Айни кунларда жойларда дарахт таналарини оқлаш, йўлларни, турар-жой атрофлари ҳамда кўчаларни саранжом-сариштa қилиш, маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тозалаш ишлари бошланиб кетди. Бу бежиз эмас. Чунки август ойи мамлактимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб белгиланган. Ўз навбатида Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами олдидан 18-19 август кунлари юртимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари тадбирлари ўтказиладиган бўлди.

Ҳашар кунларида анъанага кўра, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар ҳам ободонлаштирилиб, тартибга келтирилади. Оқар сув ҳавзалари ва сув иншоотлари чиқиндилардан тозаланади.

Юртимизда истироҳат боғлари, болалар майдончалари ҳам талайгина. Бу ҳудудларни турли чиқиндилардан холи сақлаш, биринчи ўринда, ўзимиз ва фарзандларимизнинг соғлиғи учун зарур, қолаверса, озодалик ҳар қандай масканнинг файзини янада оширади. Эзгу ниятларимизнинг ўзига хос ифодаси бўлган навбатдаги умумхалқ хайрия ҳашари мана шу мақсадларни ҳам кўзда тутади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кексаю ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар ва кам таъминланган оилаларнинг турар-жойларини тартибга келтириш, уларга ёрдам бериш ҳам умумхалқ ҳашари доирасидаги юмушлардан ҳисобланади. Демак, бу тадбир моҳияти ўз ўрнида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида кўзда тутилган мақсадлар билан ҳамоҳангдир. Беморлар ҳолидан хабар олиш, кўнглини кўтариш, марҳумлар хотирасини ёд этиб, қабрларини зиёрат қилиш каби хайрли анъаналар ҳам айниқса, ҳашар кунларида янада жонланади.

Диққатга сазовор яна бир жиҳати, умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақи Республика "Маҳалла" жамғармаси, унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказилишидир. Ўз-ўзидан маълумки, бу маблағлар "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, жумладан "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, шунингдек, маҳаллалардаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишларга сарфланади. Демак, 18-19 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарида иштирок этувчи ҳар бир киши ўз маҳалладошлари ва ёрдамга муҳтожларнинг турмушини яхшилашга муносиб улуш қўшади, дея эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, мазкур умумхалқ ҳашари халқимиз Истиқлолимизнинг 16 йиллик байрамига пухта тайёргарлик кўраётгани, уни янада кўтаринки руҳда нишонлашга бел боғланганидан далолатдир.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Бугуннинг гапи

Насибамиз НОН билан БУТУН

Ҳеч ўйлаб кўрганмизми, юртимизда саховат, тўкинлик, фаровонлик, покликнинг рамзи нима? Ана шу эзгу тушунчаларнинг амалдаги ифодасини келтириш учун нимага нисбат берамиз? Албатта, Аллоҳ назари тушган Ўзбекистон тупроғида туғилиб-ўсган ёҳуд шу замин неъматларига ризқу насибаси қўшилган ҳар бир инсонга ушбу саволлар жавоби яхши таниш. Зеро, одамзот учун ато этилган неъматлар ичида энг улуғи, энг мўътабари саналгучи нонни халқимиз асрлар оша эъзозлаб, қадрлаб, ардоқлаб келяпти.

Ҳа, нон — ўзбекнинг хонадонида, Ўзбекистон фарзандлари учун эътиқод тимсоли. Бу бебаҳо неъматга эҳтиром ифодаси ўлароқ сақланиб келаётган таомилу удумларимиз, қадрият ва анъаналаримиз ҳам кўп. Икки ёшнинг бошини қовуштириш маросимини олайлик. Турмуш қураётган йигит ва қизнинг тақдири боғланаётганда икки ёш ҳамда уларнинг яқинлари розилиги, оқ фотиҳаси ифодаси ўлароқ ўртада нон ушатилади. Бу анъана асосида бунёд бўлажак оиланинг турмуши нондек ширин, ҳаёти нон каби азиз, рўзғори тўкин, ризқ-насибаси бутун бўлсин, деган ният мужассам, аслида.

Ўз йигитлик бурчини ўташ учун ҳарбий хизматга отланаётган ўғлонларга нон тишлатиб қолишнинг маъноси ҳам ҳеч биримизга сир бўлмаса керак. Қолаверса, давра қуриб ўтирганимизда дастурхонга аввало нон қўйилади. Яқинларимиз, дўст-биродарларимиз уйига меҳмон бўлиб борар эканмиз, албатта, нон олиб боришга одатланганмиз. Ирим қилиб ёстиқ тагига бир бўлак нон қўямиз, нонни ўпиб пешонамизга суртамиз. Оёқ остида ётган нон бўлагини авайлаб четга олиб қўйган ёки тўкилган нон увоғини битталаб тераётган инсонларнинг хатти-ҳаракатлари ибратга йўйилади.

Давоми 3-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— 18-19 август кунлари белни боғлаб ҳашаргa чиқарканмиз-да...

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов ўқиб эшиттирди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилган. Шу боис диёримиз турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган ўлка сифатида танилган. Ўзбекистон аҳли ислом дини ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий қисми, инсонни руҳий-маънавий поклаш, унинг онгу шуурида шукроналик, тинч ва осуда ҳаёт кечириш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ва мезони сифатида юксак қадрлайди.

Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ISESCOнинг Маданият ва алоқа бошқармаси бошлиғи Мустафо Аҳмад Али, UNESCO Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан, ИКТ қошидаги Ислом маданияти ва саньати тадқиқотлари маркази (IRCICA) директори Халит Эрен, Кувайт Давлати олий таълим ва маориф вазири, ISESCO, ALESCO, UNESCO ишлари бўйича миллий комиссияси раиси Нурия ас-Сабиҳ, Кувайт адлия, ислом ва вақф ишлари вазири Абдулла ал-Маътуқ, Эрон Ислом Республикаси маданият ва ислом алоқалари ташкилоти раиси Маҳмуд Муҳаммадий Ароқий ва бошқалар Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган ушбу нуфузли халқаро анжуман жаҳон ҳамжамиятига ўзбек халқининг кўҳна ва бой мероси билан яқиндан танишиш имконини бериши ҳамда цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Шундан сўнг ислом маданияти пойтахтининг рамзий калити Тошкент шаҳри ҳокими А.Тўхтаевга тантанали равишда топширилди.

Конференциянинг биринчи ялпи йиғилишида Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази директори З.Мунавваровнинг «Ўзбекистон – ислом цивилизациясининг муҳим маркази» мавзуидаги маърузаси тингланди.

Жазоир олий ислом кенгаши раиси Буамран Ших, Араб давлатлари университетлари иттифоқи Бош котиби Солиҳ Ҳошим (Иордания), Саудия Арабистони Подшоҳлиги ислом ва вақф ишлари вазири маслаҳатчиси Мажид ат-Туркий, Исломобод халқаро ислом университети қошидаги Даъват академияси ректори Абдул Жаббор Шокир (Покистон), Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Озарбойжон муфтийси Аллоҳшукур Пошшозода Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент ва бутун Ўзбекистон ҳудуди Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришда азалдан муҳим ўрин эгаллаб келганлигини қайд этдилар.

Анжуманда истиқлолнинг дастлабки давридан оқ Ўзбекистонда миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, буюк аждодларимизнинг хотирасини улуғлаш, уларнинг муборак зиёратгоҳ ва қадамжоларини обод қилиш бўйича наинки юртимиз жамоатчилигини, айни чоғда жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга соладиган ютуқлар қўлга киритилгани таъкидланди.

Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўк Гумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш борасида бажарилган бунёдкорлик ишлари шулар жумласидандир.

Президентимиз томонидан 2007 йил 20 февралда қабул қилинган "Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарорга мувофиқ Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида ғоят катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу ердаги Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар инсон кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосининг яна бир марта ёрқин намоёнига айланди.

Куннинг иккинчи ярмида конференция иштирокчилари мулоқотни Ўзбекистон ҳудудида ислом цивилизациясининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, Шарқ Уйғониш даврида ислом илоҳиётшунослиги ва дунёвий фанлар ривожи, ислом таълимоти ривожида Марказий Осиё мутафаккирларининг роли, мусулмон меъморчилиги ва саньати тараққиёти, Ўзбекистоннинг ёзма ва моддий ёдгорликлари — умумислом цивилизацияси мероси, цивилизацияларо ва конфессияларо мулоқот – бағрикенглик пойдевори каби мавзуларга бағишланган шўъбаларда давом эттирди.

Халқаро конференция иштирокчилари Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилдилар. Меҳмонлар бу ердаги янгитдан барпо этилган масжид ва қайтадан тикланган ҳамда таъмирланган ноёб тарихий обидаларни кўздан кечириш асносида эл-юртимизнинг бугунги кунда ҳам ислом маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшаётганига гувоҳ бўлдилар.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон ислом обидалари» ҳужжатли фильми ҳамда ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Тошкент – ислом цивилизацияси гавҳари» фотоальбомининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов иштирок этди.

Анжуман ўз ишини 15 август куни Самарқанд шаҳрида давом эттиради.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕК НОШИРЛАРИнинг МОСКВАДАги МУВАФФАҚИЯТИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Москвада ўтган "Китобат саньати" IV Халқаро танловида мамлакатимизда чоп этилган китоблар совринли ўринларни эгаллади.

2004 йилдан буён ўтказилиб келинаётган ушбу нуфузли халқаро танловда ўтган йили Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи нашрга тайёрлаган Алишер Навоийнинг беш жилдлик "Хамса" асари "Ҳамдўстлик" номинацияси бўйича, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси" китоб-альбоми эса "Китоб саньати" номинацияси бўйича совринли ўринларга сазовор бўлган эди.

Бу галги танловда "Маънавият" нашриёти томонидан Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб нашр этилган "Қарши" фотоальбоми "Менинг Ватаним" номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг "Эртаклар карвони" китоби "Ҳамдўстликда чоп этилган" номинацияси бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан нашр қилинган "Ўзбек фотографияси 125 ёшда" фотоальбоми эса "Китоб саньати" номинацияси бўйича учинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВга ЮНЕСКОнинг ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Мусо бин Жаъфар Ҳассан Президентимизга ЮНЕСКОнинг «Аристотель» ва «Буюк Ипак йўли» олтин медалларини топширди. Бу мукофотлар таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришга, халқлараро мулоқотни фаоллаштиришга улкан ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбобларига, йирик олимларга, илм-фан ва маданият намояндаларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг «Аристотель» ва «Буюк Ипак йўли» олтин медаллари билан тақдирлангани учун миннатдорлик билдириб, бу юксак мукофотлар халқимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта ҳиссасига берилган баҳодир, деб таъкидлади.

(ЎзА)

Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари билан Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар, биродарлар! Муҳтарам меҳмонлар!

Сиз, азизлар билан — бугун Тошкентда очилган халқаро конференция иштирокчилари билан учрашиш, ислом оламининг атоқли, кўзга кўринган намояндалари билан юзма-юз учрашиш мен учун катта шараф.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Биз Ўзбекистонда сизларнинг сермазмун фаолиятингиздан яхши хабардормиз. Ислом дунёсини бирлаштириш, унинг обрўсини кўтариш, муқаддас динимиз қадриятларини ҳимоялаш йўлида қилаётган катта хизматларингизни юксак қадрлаймиз .

Барчангизга қимматли вақтингизни ажратиб, Ўзбекистонга, Тошкентга ташриф буюрганингиз, ушбу нуфузли конференцияда иштирок этаётганингиз учун ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Бугун Тошкентда иш бошлаган халқаро конференцияни, унинг аҳамияти ва моҳиятини биз юқори баҳолаймиз. Ҳеч шубҳасиз, бу анжуман нафақат Ўзбекистон аҳли учун, балки яқин ва узоқ атрофимиздаги халқлар учун ҳам катта тарихий воқеа десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Мамлакатимиз пойтахтида ана шундай муҳим мавзуда, юксак мақомда ўтаётган бугунги конференция халқаро жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиши табиий, албатта.

Барчангизга маълумки, бу анжуманни ўтказишга Ислом конференцияси ташкилотининг маданият бўйича тузилмаси АЙСЕСКОнинг Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган ном бериш ҳақидаги қарори сабаб бўлди.

Биз бу нуфузли халқаро ташкилотнинг қарорини аввало Ўзбекистонга, халқимизга нисбатан юксак ҳурмат ифодаси, унинг ислом цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносиб ҳиссасининг тан олиниши, деб баҳолаймиз.

Қадимий юртимиз заминида туғилиб вояга етган, бутун мусулмон дунёсида ном қозонган буюк аллома ва мутафаккирларимиз билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ушбу қарор бу улуғ зотларнинг дину диёнатимиз йўлидаги беқиёс хизматлари, улар қолдирган бой ва бебаҳо мероснинг яна бир эътирофи, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Биз АЙСЕСКОнинг бу қарорини юртимизда ислом тарихи ва маданияти, меъморчилик саньатининг намунаси бўлмиш бетакрор обидаларга катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, уларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш бўйича қилаётган ишларимизга берилган юксак баҳо, деб биламиз.

Мухтасар қилиб айтганда, асрлар давомида амалга оширилган мана шундай эзгу ишларнинг барчаси аввалambор эл-юртимизнинг Яратганимизни қалбида, юрагида сақлаб келаётгани, ҳар қандай оғир синов ва тўфонлар даврида ҳам ўз иймонига содиқ қолганининг ёрқин ифодаси, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Азиз дўстлар, бугун биз қандай таҳликали ва мураккаб бир замонда яшаётганимиздан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Бугун айрим мамлакатларда мусулмон оламига қарши тазйиқ ва таъна, бўҳтон ва туҳматлар уюштирилаётганини ва бундай уйдирмалар остида қандай мақсадлар ётганини, ўйлайманки, англаш қийин эмас.

Айни мана шундай кескин бир вазиятда бугунги конференцияда ўртага қўйилаётган мавзулар, муҳокама қилинаётган масалалар динимизнинг тарихини, унинг дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаси ва асл маъно-моҳиятини кенг жаҳон оммасига етказишда ҳақиқатан ҳам катта ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги ислом олами олдида турган энг долзарб ва муҳим вазифалар ҳақида гапирганда, мен тўртта масала хусусида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Биринчи. Ислом умматини бир мақсад атрофида бирлаштириш, унинг таркибида тарқоқлик ва қарамақаршиликка йўл қўймаслик.

Иккинчи. Таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор бериш, мавжуд барча имкониятларни мана шу мақсад йўлида сафарбар этиш. Келажак ёшларники, таълим эса ана шу келажакнинг калитидир.

Учинчи. Қашшоқлик ва камбағалликка қарши курашиш.

Тўртинчи. Ислом таълимотининг моҳиятини, унинг инсонпарварлик, мўътадиллик ва маърифатпарварлик хусусиятлари ва аломатларини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш.

Сизларнинг барчангиз эртага дунёнинг энг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган, шу кунларда ўзининг 2750 йиллик тўйини нишонлаётган Самарқанд шаҳрини зиёрат қиласиз, у ердаги нодир ёдгорликларни ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Диёримизда яшаётган оддий, бағрикенг, ўз келажагини ўз меҳнати билан барпо этаётган эл-юртимиз вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашиш имконига эга бўласиз.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги бугунги вазият, бугунги ҳаёт билан яқиндан танишасиз. Ва ўйлайманки, бундан ўз хулосаларингизни чиқарасиз. Энг муҳими, оққўнгил, меҳмондўст халқимизнинг сиз, азизларга бўлган самимий иззат-икромини ҳис этасиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам бутун халқимиз қатори сизларни Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўстлари ва қадрдонлари сифатида қутлаб, яна бир бор барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Истиқлол берган имкон

Бухоро вилояти

МАҲАЛЛАнинг ЯНГИ БИНОСИ

бу ерда йиғин ходимларининг самарали фаолият юритишлари учун барча қулайликлар мужассам

СУРАТДА: *янги барпо этилган маҳалла биноси.*

Ғиждувон туманидаги Абдухолиқ Ғиждувоний номли маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари мустақиллигимизнинг ўн олти йиллик байрами арафасида янги бинода фаолият юритиш имкониятига эга бўлишди. Қисқа муддатда миллий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган бино "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси томонидан ажратилган маблағ ҳамда тадбиркорларнинг ҳомийлик ёрдамлари ҳисобидан бунёд этилди. Икки қаватли кўркам бинода маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси, котиб, посбон ва бошқа йиғин ходимлари учун алоҳида хизмат хоналари, фуқароларни қабул қилиш хонаси, мажлислар зали мавжуд. Чойхона эса нуроний отахонлар хизматида.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Истиқлол берган имкон

16

Андижон вилояти

ҚАРОВСИЗ ҲАВЗА ЎРНИДА СОЗ ИНШООТ

бу ерда маҳалла ёшлари ўртасида мусобақа ҳам бўлиб ўтди

— Бир, икки, уч. Бошладик!

Ҳакам байроқчасини туширишi билан ҳавза четида турнақатор тизилиб турган болалар баравар сувга сакрашди. Йигирма беш метрли масофага сузиб бориб-қайтиш осонмас, бироқ болалар марра сари жон-жаҳдлари билан интилишарди.

Мусобақада Андижон шаҳридаги Шифокор, Гумбаз ва 8-сонли маҳалла фуқаролар йиғининг ёш спортчилари беллашдилар. Ғолиблик 8-сонли маҳалла фуқаролар йиғини спортчиларига насиб этди. Уларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

— Маҳалладошларимиз орасида уч мингга яқин вояга етмаганлар бор. Болаларимизнинг ёзги таътилини мароқли ўтказишлари учун тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз, — дейди маҳалла раиси Нурхон Ашурова. — Бунда бизга ҳудудимиздаги спорт мактаби ва сузиш ҳавзаси мураббийлари, ички ишлар ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Маҳалламиз ва қўшни маҳалла болалари ўртасида футбол, кураш ва сузиш бўйича мусобақалар ўтказдик.

Маҳаллада спорт билан шуғулланиш учун шароит йўқлиги Нурхон Ашуровани анчадан буён ўйлантириб келар, муаммони ҳал этиш йўлини қидирарди. Кунларнинг бирида у маслаҳатчи Хосиятхон Мамажонова, котиба Саидахон Жалолова, сардор Позилжон Қодировларни маслаҳатга чорлади — маҳалла билан девор дармиён қўшни бўлган спорт мактаби билан алоқа ўрнатишни, қаровсиз ётган сув ҳавзасини ишга туширiш масаласини ўртага қўйди. Йиғилганлар таклифни маъқулладилар, аниқ режа тузилгач, ишга киришилди.

Йиғин ҳудудида саккиз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ёрдами ҳам шунга яраша бўлишига умид боғлаган ташкилотчилар ҳашар уюштиришди. Хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишни истаган маҳалла аҳли ҳашарда бажонидил иштирок этди. Сузиш ҳавзаси тозаланиб, таъмирдан чиқарилгач, уни сув билан тўлдириш масаласи қолди. Буни "Суворова" корхонаси ўз зиммасига олди. Ҳавза ёнида бўш ётган ерни футбол майдончасига айлантиришда эса спорт мактаби раҳбари Рустамжон Маҳмудов жамоаси билан ёрдамга келди.

Айни пайтда сузиш ҳавзаси ва йиғин идораси жойлашган бинонинг бўш ётган хоналарида турли тўгараклар ташкил этилмоқда. Маҳалладошларнинг мақсади болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ҳунар ўргатиш, соғлиқларини мустаҳкамлашдан иборат.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тизим ходимлари учун танлов

НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танлов натижаларига кўра шундай хулоса ясаш мумкин

Юртимиздаги фуқаролар йиғинларида намунали фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни аниқлаш, уларнинг илғор иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви билан ҳамкорликда "Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови ташкил этилиб, бу кўрик-танлов ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилади. Айни кунларда ушбу кўрик-танловнинг вилоятлар, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳри босқичлари якунланиб, республика босқичи иштирокчилари аниқланмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, жорий йилда бу кўрик-танловнинг республика босқичида битта эмас, тўртта ғолиб аниқланади. Ибратли фаолият юритаётган маслаҳатчиларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ва кўрик-танлов нуфузи юксалаётгани эътиборга олиниб, танловнинг бу йилги республика босқичи 4 та худудда алоҳида ўтказилмоқда. Яъни, беллашувлар Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича 25 август куни Жиззах шаҳрида, Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари бўйича 23 август куни Самарқанд шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари бўйича 21 август куни Урганч шаҳрида бўлиб ўтади. Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича кўрик-танлов ғолиби куни кеча Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган беллашувда аниқланди.

* * *

Фарғона вилояти

Фарғона шаҳридаги "Маҳалла маркази"да ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида танлов низомида белгиланганидек, ҳар бир иштирокчининг ўз иш фаолиятига оид кўргазмаси, низомий вазифалар бўйича амалга оширилган тадбирлар акс этган саҳна кўриниши, ҳукумат қарорлари ва низомда белгиланган вазифаларнинг ижроси бўйича саволларга жавоби орқали баҳоланди.

Кўрик-танловда Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Кўтарма маҳалласи фуқаролар йиғини кенгашининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожибархон Йўлдошева барча шартларни тўлиқ бажаргани учун ғолиб деб топилди.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги Навбаҳор маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Римма Маҳмудовага иккинчи ва Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Ғовозон маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Фазилатхон Насриддиновага учинчи ўрин насиб этди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови доирасидаги тадбирлар вилоятимизда аъло даражада ташкил этилди ва ўтказилди.

Танловнинг вилоят босқичида 21 та иштирокчи қатнашди.

Маслаҳатчилар фаолиятига баҳо беришда уларнинг ўз маҳалласида қозонган ҳурмати, диний ва дунёвий билимлардан хабардорлиги, маҳаллаларда олиб бораётган маънавий-маданий ишлардаги, муаммоларни ҳал этишдаги ҳиссаси, иш тажрибалари инобатга олиниб, иштирокчиларнинг олти нафари саралаб олинди.

Маслаҳатчиларнинг ҳаётдаги ва фаолиятдаги тажрибалари бир-бирини такрорламаслиги, айниқса, истиқболдаги фаолиятига доир пухта ва аниқ иш режалари мавжудлигидан шу нарса намоён бўлдики, жойларда маслаҳатчиларнинг тўлақонли иш юритишлари учун етарли шарт-шароит яратилган, энг муҳими, улар қалбида ўз ишига фидойилик жўш урмоқда.

Тошкент вилояти

Пискент тумани Мўминобод маҳалласи маслаҳатчиси Назира Шоматова ғолиб деб топилиб, кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эришди.

Тошкент туманидаги Ғалаба маҳалласи маслаҳатчиси Қундуз Усмонова ҳамда Чирчиқ шаҳридаги Камолот маҳалласи маслаҳатчиси Норинисо Каримова кўрик-танловнинг вилоят босқичида иккинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Янгийўл туманидаги Чангтепа маҳалласи маслаҳатчиси Насиба Бозорбоева учинчи ўринни эгаллади.

Ўғилой ЎРОЗОВА

Кўрик-танловнинг вилоят босқичи Бухоро шаҳридаги муҳташам "Бухоро-Палас" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Бу тадбирда вилоят туманлари ва Бухоро шаҳри босқичларида ғолиб бўлган 13 нафар маслаҳатчилар иштирок этди. Тадбир ташкилотчилари ва ҳомийларнинг саъй-ҳаракати натижаси ўлароқ, ушбу тадбир Бухоро маҳаллалари ҳаётида муҳим воқеалардан бирига айланди.

Иштирокчиларнинг ҳар бири ўз фаолияти мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, диний ва дунёвий билимларини театрлашган бадиий кўринишларда ифодалаб, фаолиятда эришган ютуқлари ва орттирган тажрибаларини намойиш этдилар.

Бухоро вилояти

Жуда қизиқарли кечган беллашувлар асосида ҳайъат аъзолари ясаган хулосага кўра, 1-ўринга Қоракўл туманидаги Хўжалар маҳалласи маслаҳатчиси Курбонгул Ҳалимова муносиб деб топилди. Когон туманидаги Сараён маҳалласи маслаҳатчиси Фазила Тошева иккинчи ўринни, Вобкент туманидаги Ҳолвагарон маҳалласи маслаҳатчиси Раъно Зайниддинова эса учинчи ўринни эгаллашади.

МУХБИРИМИЗ

Бугуннинг гапи

Насибамиз НОН билан БУТУН

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Болалик чоғимизда маҳалламизда яшовчи икки ўспирин йигит бола-бақрани тўплаб, томоша кўрсатишарди. Ўшанда қўшни ҳовлининг боғида тўпланган тенгдош болалар нон улоқтириб итларни юқорига сакрашга машқ қилдираётган ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларидан завқланар эдик. Бир куни маҳалламизда яшовчи кекса отахон бу томошанинг устидан чиқиб, ҳаммамизга танбеҳ берганди. Ўшанда у:

— Болаларим, нон қадри йўқолган жойда инсон қадри ҳам йўқолади. Ҳозир сизлар эрмак учун увол қилаётган нонни шу ҳолга келтиргунча озмунча одам меҳнат қилганми?! — дея бир сиқим донни нон тайёрлашгача бўлган машаққатли меҳнат жараёнини батафсил сўзлаб берганди. Кейин эса уруш йилларидаги очарчилик даври, одамларнинг бир бурда нонга зор бўлганликларини ҳикоя қилди. Шу-шу, ҳар гал нонга кўзим тушганида, отахоннинг ўша панду насиҳатлари қулоғим остида жаранглайди: "Нон қадри йўқолган жойда инсон қадри ҳам йўқолади".

Дарҳақиқат, фарзандларимизга, набираларимизга нон қадрини англатиш аввало хонадон катталаридан, ота-оналардан лозим. Гўдаклигиданоқ ана шундай ибратли ўгитларни қулоғига қуйиб камол топган инсон улғайганида ўзи ҳам фарзандларига албатта, нонни эъзозлаш ҳақида насиҳат қилади.

Аллоҳга шукур, бугун тўкинлик даврида, дастурхонимиздан ширмой нон, мазали патир узилмайдиган заминда яшаяпмиз. Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз аҳлининг бозору дўконларда нон учун навбатда турганини учратмайсиз. Хўш, нега? Негаки, юртда ғалла мустақиллигига эришдик. Донимиз ҳам, нонимиз ҳам ўзимизда, ўз қўлимиз билан етиштириляпти. Демак, бугунги дориломон замонда ризқ-насибамиз бутунлиги ўз меҳнатимизга ҳамда ана шу меҳнатга нисбатан муносабатимизга боғлиқ. Бироқ таассуфки, баъзи ҳолларда истаб-истамай ёхуд бепарволигимиз сабаб нон исрофига йўл қўяяпмиз.

Яқинда пойтахтимиздаги кўпқаватли уй ёнидан ўтаётиб, юқори қаватдан туриб пастда ахлат идишини кўтариб турган набирасига ўгит уқтираётган бир онахоннинг сўзларига беихтиёр қулоқ тутдим.

— Ўктамжон, нонлар ахлатга аралашиб кетмасин тағин, увол бўлади-я, болам. Ахлатхонада нон ташланадиган алоҳида жойни биласан-ку, нонни ўша ерга ташла. Мол-ҳол боқадиганлар олиб кетишади-да, — дея набирасининг ортидан гапириб қолди у.

Бир қаращда онахоннинг гапларидан ибрат оласан, киши. Тўғрида, табаррук неъматнинг ахлатга қўшилиб кетиши, гуноҳ ахир. Бирўқ бу таскинимиз ҳам аслида нон уволига йўл очади. Зотан, ахлатхоналарда нон ташланадиган махсус жойларнинг пайдо бўлгани ҳам аввало нонинг исроф қилинаётганини англатмайдими?

Барчамизга маълум ҳолат: истиқлол йилларида ғалла майдонларини кенгайтириш билан бирга, ушбу майдонлардан юқори ҳосил олиш, уларни юксак агротехник тадбирлар орқали парваришлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳатто бундай экинзорлар ҳосили неснобудсиз йиғиб олингунига қадар чорва моллари томонидан пайҳон қилинишига қарши жиддий курашилмоқда. Бу борада Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан махсус чоратадбирлар белгиланган. Қолаверса, дон сақланадиган омборларни ҳам қишин-ёзин зараркунанда, кемирувчи мавжудотлардан сақлаймиз. Нима учун? Чунки донимиз — нонимиз. Шундай экан, инсон учун аталган неъмат тириклик, дастурхонимиз кўрки, турмушимиз барокати учун хизмат қилиши керак. Бироқ юқоридаги каби ҳолатларга гувоҳ бўлганингда беихтиёр ўйга толасан киши: бир томондан деҳқону фермерлар, иккинчи томондан давлат донимиз, ғаллазорларимиз мол-ҳолга емиш бўлмасин, деб жон куйдирса-ю, дон нонга айланганда тайёр неъматни истеъмол қилишда исрофга йўл қўйиб, нонни охир-оқибат жониворларга озуқа қилсак, бунинг уволи тутмасмикан?! Боз устига, ўзбек хонадонида тўю тантаналар кўп. Бундай шодиёна давраларда дастурхонга тортиладиган энг сероб неъмат — нон. Оқибатда тантана якунида ушатилган нон бўлаклари чиқитга чиқиб, исроф бўляпти.

Халқимизда "Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон" деган мақол бор. Бу ибратомуз гап замирида нонни буюк неъмат билиб, уни эъзозлашга, қадрлашга даъват мужассам. Шундай экан, бугунги тўкинлик даврининг бардавом бўлиши учун насибамиз тимсоли бўлган нонни улуғлайлик. Зеро, нон қадри йўқолган жойда инсон қадри ҳам йўқолади. Бу ҳақда кексаларимиз куюниб айтадиган гап шундай: "Нонниинг уволи тутмасин, болам".

Фаррух БЎТАЕВ

Сурхондарё вилояти

Йил дастури ижроси — амалда

ИШ БОШИДА — ФАХРИЙЛАР

Юсуф Қодировни Бойсунда маҳаллий саноатни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ташкилотчи ва ташаббускор инсон сифатида хотирлашади. У атлас ишлаб чиқариш корхонасида директор лавозимида ишлаган даврда фабриканинг замонавий биноси қад ростлади, ундан ташқари, иккита ғиштт заводи қурилиб, ишга туширилди. Тез орада бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги, харидоргирлиги билан мамлакатимиз бозорларидан муносиб ўрин эгаллади. Ю.Қодировнинг кўп йиллик меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб рағбатлантирилган. Хусусан, Юртбошимиз Фармони асосида Ю.Қодировга "Шуҳрат" медали топширилгани сўзимиз тасдиғи.

Қарилик нафақасига чиққандан сўнг ҳам Юсуф ака маҳалладаги ташкилий ишларда фаол иштирок этди. Маҳалла ободончилигидан тортиб, ёлғиз қариялар, етим ва ногиронларнинг кўнглини кўтариш, уларга меҳр улашишдек эзгу ишларга бош-қош бўлди. Бундан беш йил муқаддам эса Юсуф Қодиров дунёдан кўз юмди.

Ҳозирда Бойсун шаҳридаги маҳаллалардан бири Юсуф Қодиров номи билан аталади. Тоқчи, Оқтупрок, Кўктепа гузарларидаги 527 та хўжаликда 2729 нафар фуқаро истиқомат қилади. Маҳалла қўрғони атрофи ободонлаштирилган, соя-салқин сарҳовуз бўйида жойлашган. Ўнга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари билан бирга, туман ўрмон хўжалиги, шоҳ бекат ҳам маҳалла ҳудудида жойлашган. Маҳалла қўрғонининг шундоққина остонасида Ю.Қодиров хотирасига ёдгорлик ўрнатилган.

— "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури асосида бир қатор ишларни амалга ошираяпмиз, — дейди Ю.Қодиров номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёд Қорақулов. — Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар ва ногиронларга алоҳида эътибор қаратилган. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда Жаббор Маматов, Баҳриддин Рашидов сингари тадбиркорлар ҳамда давлат санитария назорати идораси, электр тармоқлари корхонаси жамоалари ҳомийлик ёрдамини кўрсатишмоқда. Уларнинг ташаббуси ва кўмаги билан олтита хонадон соғин сигирли бўлди. Иккинчи гуруҳ ногирони Бахтиёр Пардаевни аравача билан таъминладик, биринчи гуруҳ ногирони Йўлдош Хўжамуродовга ўғлининг никоҳ тўйини ўтказиш учун моддий ёрдам кўрсатдик. Бундан ташқари, турли байрам ва бошқа муҳим саналарда ҳам маҳалламиз аҳли учун байрамона дастурхон тузаб, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларини уюштириб, эҳтиёжманд оилаларга совға-саломлар тарқатиш анъанасини йўлга қўйганмиз.

Ижтимоий ҳимоя йилида фахрийларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Улар маҳаллада жамоат ишларининг фаоллари ҳисобланишади. Чунки қариялар да акл-заковат кучли, билим ва тажриба етарли. Бу эса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда асқотяпти. Шу боисдан маҳаллада қариялар ҳурмати баланд. Яқинда фахрийлардан узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган Мастура Олимназарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Робия Шомирзаевалар маҳалла фуқаролар йиғини томонидан совғалар билан тақдирланди. Берди Нормаматов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор" фахрий унвонига эга. Аҳмад Аъзамов эса 1-тоифали шифокор, жарроҳ. Улар маҳаллани ободонлаштириш ишларида, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда бевосита қатнашиб, ёшларга ибрат бўлишмоқда. Жумладан, уларнинг ташаббуси билан маҳаллада гузар қурилиши бошлаб юборилди. Бу ишда айниқса Ю.Қодировнинг фарзандлари фаоллик кўрсатишмоқда.

Ушбу мақола Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли» мавзусидаги лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ҲАЙВОНЛАРнинг ЙЎҚОЛИШИДАН АСРАЙЛИК

Швейцариялик мутахассислари ажойиб митти қурилма яратдилар. Бу электрон мослама ҳайвонлар учун зарарсиз бўлиб, у ҳайвон терисининг ичига жойлаштирилади.

Унинг ҳажми гуруч донасидек бўлгани учун ҳам ҳайвонларда ноқулайлик туғдирмайди.

Қурилма ўзидан махсус кодли сигнал тарратиб туради. Шу сабабли энди ҳайвон йўқолса ёки ўғирланса, уни топиш осон кечади. Ҳозир бу қурилма Швейцария дўконларида 50 франкка (30 доллардан сал ортиқ) сотилмоқда.

ҚОПҚОН СУВАРАК ТУТАДИ

Суваракларни қириб ташлайдиган бирон бир тайинли модда ҳозирча йўқ. Айтишларича, ядро портлаганда ҳам улар тирик қолишар экан.

Австралиялик мутахассислар бир неча йил изланишлар олиб боргач, суваракларга қарши курашишнинг бирмунча фойдали қурилмасини яратдилар. Бу доира шаклидаги электрон қопқондир. Уни ҳашоратлар кўп йиғиладиган жойга қўйиб, ичига хўрак солинади. Суваракларнинг хўракка қараб югурганларида албатта, орқалари билан пружинали контактга тегиб кетишади ва натижада электр занжири ҳосил бўлиб, ўша заҳоти 8,5 миллиампер қувватли ток уради.

СУЛИ БОШОҚЛАРИДАН ТЎҚИЛГАН ТЎН

1867 йили Парижда ўтказилган Бутунжаҳон кўргазмасида антиқа тўн намойиш этилган.

Бу тўн фақат сулининг бўлиқ бошоқларидан тўқилган эди. Шунинг учун ҳам кўргазма иштирокчиларини ҳайратдан ёқа ушлатмай қўймади.

Тўннинг муаллифи мактаб кўрмаган рус селекционер-деҳқони С.Грачев эди.

Отабек БОБОЖОНОВ,
тайёрлади.

Кўрик-танлов давом этади

"Маҳаллам тарихини ўрганаман"

Маълумки, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг қўшма қарорига асосан жорий йилда "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловини ўтказиш белгиланган эди. Айни кунларда ушбу кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичлари якунланиб, вилоят босқичи беллашувлари ўтказилмоқда.

* * *

Тошкент вилояти

Танловнинг вилоят босқичида тўртта жамоа уч босқичдан иборат бўлган шартлар асосида ўзаро беллашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир жамоанинг чиқишида ўзига хослик мавжуд. Масалан, Янгийўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоқ фуқаролар йиғининнинг "Истиқлол" жамоаси қатнашчилари чақалоқни бешикка солиш удумини қойилмақом қилиб намойиш этишган бўлса, Бўка туманининг Тошлоқ маҳалласи жамоаси биргина саҳна кўриниши орқали маҳаллада фаолият юритаётган тўгараклар ҳақида маълумот бериб ўтди. Тошкент туманидаги Наврўз маҳалласи жамоасининг шўх-шодон қизлари ижросидаги лапарлару шеърлар ҳам тадбирга ўзгача файз киритди.

Қизғин беллашувлар остида ўтган мазкур танловда Наврўз маҳалласининг "Оқтепа Наврўзи" жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

* * *

Фарғона вилояти

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида 4 та шаҳар ва 15 та тумандаги маҳаллалар ўртасида ғолиб чиққан жамоалар куч синашдилар.

Танлов натижаларига кўра, 2000 йиллик юбилейи нишонланиш арафасида турган Марғилон шаҳридаги Янгибоғ маҳалласи ёшлари ғолиб бўлишди.

Бундан ташқари, Учкўприк туманидаги Бешкапа, Қува туманидаги Гулистон, Тошлоқ туманидаги Қумариқ, Бувайда туманидаги Жийдали маҳаллалари ёшлари ҳам фахрли ўринларни эгалладилар.

* * *

Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этган ёшлар ўзлари яшаётган ҳудуд тарихи, турмуш тарзи, маданияти ва урф-одатлари ҳақидаги билим ва кўникмаларини турли шартларни бажариш орқали намойиш этишди.

Танлов сўнгида жамоаларнинг белгиланган учта шарт бўйича тўплаган баллари ҳисоб-китоб қилиниб, натижалар эълон қилинди. Унга кўра, Янгиҳаёт маҳалласи биринчи, Намуна ва Т.Аҳмедов номли маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари эса иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ҳар бир ҳудудда ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолибларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

МУХБИРЛАРИМИЗ

Танловнинг Тошкент вилояти босқичи ғолиби бўлган жамоа қатнашчилари Азиза Зайнутдинова (чапда), Нигора Содиқова (ўртада), Фотима Мирбобоева.

Ташаббус ва самара

КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИСИ — БЎЛАЖАК ФЕРМЕР

айни пайтда бўлажак мутахассислар ўқув юрти томонидан ташкил этилган фермер хўжалигида билим ва малака эгаллаяптилар

Андижон вилояти

"Ижтимоиёт гул диёри" фермер хўжалиги эришаётган ютуқлардан нафақат туман, балки вилоят меҳнаткашлари ҳам яхши хабардор.

Чунки хўжалик ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йилдаёқ пиллачиликда юқори натижага эришди — ипак қурти уруғининг ҳар қутисидан ўртача эллик килограммдан, жами олти юз килограммга яқин юқори сифатли пилла ҳосили йиғиштириб олди. 34,4 гектарлик дала майдонида эса пахтанинг янги "Бухоро—2" нави етиштириляпти. Туман ҳокимлигининг сифат комиссияси аъзолари айни кунда ғўза ниҳолларининг баравж ўсаётганлигини қайд этишди. Балки бу натижалар оддий фермер хўжалигига тегишли бўлганида алоҳида эътироф этиб ўтишга арзигулик бўлмасди. Гап шундаки, "Ижтимоиёт гул диёри" фермер хўжалиги Олтинкўл туманидаги агроиқтисодиёт коллежи томонидан ташкил этилган.

— Биз тайёрлаб чиқарган мутахассислар деҳқончилик илмини чуқур эгаллашлари лозим, — дейди коллеж директори Баҳодиржон Умаров. — Дарслар давомида олинган назарий билимларни бевосита амалиётда синаб кўриш учун фермер хўжалигини ташкил этдик. Ўқувчиларимиз яхши меҳнат қилишмоқда. Буни эришган натижаларимиз ҳам тасдиқлаб турибди. Бу йил пахтадан камида 35 центнердан ҳосил кўтариш ниятидамиз.

Иш бошлаганига эндигина икки йил бўлган ушбу илм масканида асосан қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрланади. Коллежда қишлоқ хўжалигини механизациялаш, кичик агроном, фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, сув хўжалиги ва мелиорациялаштириш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ўқувчилар ўз соҳалари билан бирга автомобил бошқариш, ҳисоб-китоб ва иқтисод сир-асрорларини ҳам эгаллайдилар. Янги ўқув йилидан молия, менежмент йўналишларига ҳам ўқувчилар қабул қилинади. Коллежда замонавий компьютер, лингафон ва лаборатория хоналари, спорт зали, ошхона, ахборот-ресурс маркази, очиқ спорт майдонлари ишлаб турибди. 800 нафардан ортиқ илмталаб ёшларга бир нафар фан доктори, икки нафар фан номзоди, ўнга яқин олий тоифали педагог ва малакали мутахассислар сабоқ бермоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тафсилот

"ҲИМОЯ-ЖАРАЁН"га "ТОЗА ҲАВО" керак

Ёхуд «Ҳимоя-жараён» газетаси атрофидаги можаролар хусусида

Бир кун жанжал чиққан уйда қирқ кун барака бўлмайди, дейди доно халқимиз. Баҳамжиҳатлик, бирдамлик билан тузилган режа асосида қилинган иш яхши натижа бериши шубҳасиз. Ва бу натижадан барча баҳраманд бўлади. Бор-ди-ю, аксинча бўлса-чи?

Гапни узоқроқдан бошлаганимизнинг боиси бор. "Адвокат-пресс" нашри ўрнида юзага келган "ҲИМОЯ-ЖАРАЁН" газетаси ташкил этилганидан буён қарийб саккиз ой муддат ўтган бўлса-да, бу нашр атрофидаги можаро ва ғавғолар тўхтамаяпти. Янги газета фаолиятини йўлга қўйиш масаласи бир ёқда қолиб, асосий фаолият газетанинг собиқ ва айни кунда ишлаётган ходимларининг интернет сайтлари орқали "муштлашуви"дан иборат бўлиб қолди. Бугун газета ходимларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ дастлаб фақат Дилмурод Саййиддан иборат эди. Эндиликда унинг ёнига газетада бир пайтлар махсус мухбир лавозимида ишлаган, сўнгра қисқа муддат "ҲИМОЯ-ЖАРАЁН"га бош муҳаррирлик қилган Равшан Бобомуҳаммад ҳам қўшилди. Бу иккновлонни шартли равишда "аламзадалар" деб аташ ҳам мумкин. Иккинчи гуруҳга ўз вақтида "Адвокат- пресс"га бош муҳаррирлик қилган, айни кунда эса "ҲИМОЯ-ЖАРАЁН"нинг бош муҳаррири ўринбосари саналувчи Р.Гапиров "раҳнамолик" қиляпти. Р.Гапиров ўзининг бош муҳаррирликдан кетишига асосий айбдор Дилмурод Саййид деб ҳисоблайди ва унинг биринчи гуруҳга нисбатан муносабати шу нуқтаи назар асосида белгиланади. Учинчи гуруҳни эса шартли равишда "бетарафлар", деб аташ мумкин. Булар янги ишга келганлар ва нашрда аввалдан ишлагану, бироқ тарафкашликка қўшилмаган ходимлардир. Айни пайтда кураш асосан биринчи ва иккинчи гуруҳ ўртасида кечмоқда. Мухассислар газета бош муҳарририни "бетараф"лар орасидан танлаб, ҳозирча тўғри йўл тутишган кўринади. Ҳарҳолда бу бирмунча оқилона тадбир. Бироқ шундай бўлса-да, интернет сайтларидаги тинимсиз "ёзишмалар" нафақат бир-икки кишининг асаббузарлигига сабаб бўлмоқда, балки бутун жамоа фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, таҳririят газета йўналишини шакллантириш, савиясини кўтариш ва муштарийларни жалб этиш йўлида биронта тадбир қўллай олмаяпти. Ходимларнинг газетага, ҳа, фақат газетага сарфланиши керак бўлган салоҳияти, куч-қуввати бекорчи тортишувларга сарфланяпти.

Шундай экан, "Энди нима қилмоқ керак?" деган савол туғилиши табиий. Муаммони ечишнинг фақат битта йўли бор. Бу, албатта, муассисларнинг юмуши. Имкони бўлса, биринчи ва иккинчи "гуруҳ"лар фаолиятига барҳам бериб, газетани "бетарафлар" ёхуд соғлом кучлар ёрдамида буткул қайта шакллантириш керак. Аниқроқ айтганда, энди газетага "тоза ҳаво" — тоза қувват керак. Ана шундагина газета матбуотда ўз ўрнини топади. Токи, иккинчи гуруҳ таҳririятда ишлар экан, бу ҳол аламзада ҳисобланган биринчи гуруҳга тинчлик бермайди: ёза-ёз, деди-деди, майдакашлик ва тарафкашлик узлуксиз давом этаверади. Ахир ҳар икки гуруҳ бири-бирининг майда-чуйда сир-асроридан хабардор-да.

"ҲИМОЯ-ЖАРАЁН" "Адвокат-пресс"дан "мерос" қолган бир иллатдан тезликда ва буткул халос бўлиши керак. Нашрда ажабтовур ва шармандали бир "анъана" шакллганган эди. Журналист ҳеч иккиланмай газета ҳимоя қилаётган "шахс"дан газета учун очиқдан-очиқ, гоҳ нақд, гоҳ банк орқали маблағ олиб келган. Хўш, бундай вазиятда газета холис ва бетараф бўла оладими? Газета пул ўтказган "шахс" олдида нафақат тобе, балки муттаҳам ва таъмагир бўлиб қолади-ку. Ахир газета адвокат эмас-ку. Газета фаолиятидан кўзланган мақсад адвокатлик қилишдан иборат бўлган кўринади. Бу йўл амалдаги оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга нафақат зид, балки жиноят қилиш билан ҳам баробардир. Бу сўзларга газетанинг собиқ ходимлари эътироз билдиришлари аниқ. Лекин атрофлича ўрганилганда шунга ўхшаш ҳолатларни топиш мутлақо қийин эмас. Ушбу нашрга эски чориғда келиб, қисқа муддатда нафақат пўрим кийина бошлаган, балки уй-жойли бўлишга ҳам улгурган "Адвокат-пресс"чиларнинг асосий моддий манфаатдорлигини эҳтимол ана шу ердан излаш керакдир?!

Биз айтаётган гаплар — сезилганлари, билинмаган, сезилмаганлари — пинҳон тутилганлари қанча экан? Майли, шу ерда тўхтата қолайлик. Чунки бу бизнинг ваколатимизга кирмайди. Аммо ҳар икки тарафнинг адолат ва ҳалолликдан тинмай лоф ураётгани кишини ажаблантиради, холос.

Марат ДИЁРОВ

Манба: gorizont.uz

Сўранг, жавоб бераміз!

Савол:

ИЖАРАДАГИ УЙНИ КИМ ТАЪМИРЛАЙДИ?

Шаҳарда оилам билан уч хонали уйда ижарада турамиз. Уйнинг эгаси билан тузган шартномамизга кўра, икки йил мобайнида мазкур турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаман. Орадан бир йил ўтмасдан уй хўжайини бизнинг розилигимизсиз уйни таъмирдан чиқариш ҳаракатида. Аммо уйни таъмирлаш давомида у биздан таъмирлашда зарур бўладиган харажатларнинг маълум қисмини қоплашимизни ҳам сўраяпти. Бу ҳолат қонунга мувофиқми?

Жавоб:

КАПИТАЛ ТАЪМИР — ИЖАРАГА БЕРУВЧИ ЗИММАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 610-моддасига биноан, ижарага берилган уй-жойни жорий таъмирлаш, агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчининг зиммасидадир.

Ижарага берилган уй-жойни капитал таъмирлаш, агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг зиммасидадир.

Ижарага берилган уй-жой жойлашган уйни қайта жиҳозлашга, агар бундай қайта жиҳозлаш уй-жойдан фойдаланиш шарт-шароитларини жиддий равишда ўзгартирса, ижарага олувчининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 607-моддасига кўра, ижарага олувчи уй-жойдан фақат унинг вазифаси бўйича фойдаланиши, уй-жойнинг сақланишини таъминлаши ва уни яхши ҳолда тутиши шарт.

Ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуришга ва тузилишини ўзгартиришга ҳақли эмас...

Кўз очаётган ижод булови

Фарангиз Каримова Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Даҳана қишлоғида яшайди. У ёшлигидан адабиётга, тасвирий санъатга меҳр қўйган. Вилоят ва туман миқёсидаги фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган. Фарангиз айни кунда ҳудуддаги 57-мактабнинг 10-синфини муваффақиятли тамомлаб, ўзи билим олган даргоҳда адабиёт ва миллий ҳунармандчилик йўналишидаги тўгараклар ишини бошқаряпти. Қуйида ёш ижодкорнинг ижодидан намуналар берилмоқда.

ЯХШИЛАРҒА

Яхшиларга ярашади яхшилик,
Ёмонга ҳам қилмоқ керак яхшилик.
Инон, олувчидан ўн чандон ортиқ
Берувчини шод этади яхшилик.

Муҳтож ҳовучини тўлдирсанг агар,
Аллоҳ қучоғингни тўлдирар бешак.
Яхши сўзни кўп айт, эй инсон, магар
Обод кўнгилда бор энг яхши тилак.

Киши ўз дўстидан кутар яхшилик,
Кўнглидан кечгани ўзига аён.
Саҳрода чанқаган кимсани эсла...
Ўзлигингга қайтасан —
яхшилик-ла ёвга қўл чўзганинг он.

ВАТАНИМ МАДҲИ

Муқаддас тупроқнинг фарзандидурман,
Гуллаган диёрнинг дилбандидурман.
Жоним фидо бўлсин шу Ватан учун,
Бағридаман — толеи баландидурман.

Қўлимизда ҳилпирар байроғинг, Ватан,
Мардларинг қўриқлар сарҳадларингни.
Юксал, ортаверсин шуҳрат ила шон,
Ўзинг қўлла шерюрак фарзандларингни.

Она юртим, мустақил Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир умрим, ашъорим.
Улғайдим бағрингда, меҳрингга қондим,
Номинг қалбимдадур, то танда жоним.

* * *

Сув бўйида мажнунтолнинг қадди дол,
Майин кокилларин тўзғитар шамол.
Ошуфта қалбларни завққа тўлдирар —
Табиат гўзалдир! Таврифга тил лол.

Табиат ҳуснига боқаман тўймай,
Мен унинг қизиман, эркаси — ўзим.
Орзуларим қушдек қоққанда қанот
Олис юлдузлардан узолмам кўзим.

Юксакка интилсам, қўллар Ватаним,
Онамдек табиат бағрига босар,
Дўстларим ёнимда, камим йўқ маним.
Бас, шундай замонда яйрамоқ керак,
Эл корига яраб, яшамоқ керак!

Фарангиз КАРИМОВА

Донолар бисотидан

АҚЛ ҲАҚИДА

Ўзида йўқ нарсалар учун ғам чекмайдиган, боридан қувонадиганлар ақлли кишилардир.

ДЕМОКРИТ

Ақл-фаросатдан маҳрум ҳолда бахтли яшагандан, ақл-фаросат билан бадбахт бўлган аълороқдир.

ЭПИКУР

Биз ташқи оламни туйғуларимиз ила қабул этиб, ақлимиз ила англашга қодирмиз.

ЗЕНОН

Оламда энг аввал инсон ақли яралган. Ақл қалб посбонидир. Ақл яна уч қўриқчи: тил, кўз, қулоқнинг устидан ҳам посбонлик қилгувчидир. Зеро, эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали қалбга кириб боради.

ФИРДАВСИЙ

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

Ҳисори кўҳна — бул АФРОСИЁБ...

унда тарихнинг не-не тилсимлари пинҳондир

Афросиёб Самарқанднинг шимолий чегарасига туташган тепаликлар бўлиб, унинг майдони 219 гектарга тенг. Тепалик шимолий томондан Сиёб ариғи, жанубий томондан эски шаҳар ҳудудига қўшилиб кетган. Буюк Ипак йўлида жойлашган ва ҳар жиҳатдан ривожланган, айниқса, савдо ва ҳунармандчилик тараққий этган Самарқанд ўзаро урушлар, айниқса, чингизийлар ҳужумидан сўнг буткул вайронага айланган.

Шаҳар ва унинг атрофларидаги сарой, масжид, мадраса ва турар-жойлар ёниб кулга айлангани туфайли аҳоли шаҳарни ташлаб, атроф жойларга ўрнашади. Вайронага айланган Самарқанд дастлаб "Ҳисори қўҳна", "Қалъаи Ҳисор" номлари билан юритилиб, XVII асрдан "Қалъаи Афросиёб" ёки "Афросиёб" деб атала бошланган.

Узоқ вақт ўрганилмай келинган Афросиёбга қизиқиш 1868 йилдан бошланди. Айрим рус тарихчи-қадимшунос олимлари билан бирга археологик қазиш ва ўрганиш ишларидан бутунлай хабарсиз зобитлару йирик савдогарлар, амалдорлар ҳам Афросиёбни режасиз, кўр-кўрона равишда қазий бошладилар. Уларнинг асосий мақсади хазина топиш эди. Дастлабки топилмалар турли даврларда зарб этилган тангалар, заргарлик, мисгарлик, сопол ва шиша буюмлари, турли ҳайкалчалар, ёзувли идиш парчалари, меҳнат қуроллари ва бошқа осори-атиқалардан иборат эди. Хазина изловчилар нафақат Афросиёб харобалари ва унинг атрофини, бошқа тарихий жойлар, вайроналар остида қолган сарой, қалъа, қўрғон, тепалик ва ҳатто эски қабристонларни ҳам остин-устин қила бошладилар. Қазиш вақтида топилган тарихий буюмлар тўғрисида вақтли матбуотда хабарлар бериб турилган. Бу ўз навбатида шов-шувларга ва қизиқувчилар сонининг ошиб, Самарқанд томон тўхтовсиз оқиб кела бошлашига сабаб бўлган.

Афросиёб харобаларида археологик қазиш ишларини дастлаб 1874 йилда Борзенков бошлаб берди. Унинг ишларини Крестовский давом эттирди ва топилган 564 та тарихий осори-атиқаларнинг бир қисмини Тошкентдаги тарих музейига топширди. Петербург университетининг профессори Н.И.Веселовский олдинги археологларга нисбатан қазиш ва ўрганиш иш услубини яхши билган. Бироқ уни Туркистон тарихи ва маданиятини илмий ўрганишдан кўра қимматбаҳо топилмалар, буюмлар олтин ва кумуш тангалар, ҳайкалчалар кўпроқ қизиқтирган. Веселовский маҳаллий ҳаваскор ўлкашунос, қадимшунос, хаттот ва таржимонлар — Абу Саид Маҳзум, Мирзо Барот Қосимов, Мирзо Абдулло Бухорий, Мирзо Абдураҳмон Самарқандийлардан ҳам кўплаб тарихий буюмлар, қўлёзма асарлар, тангалар, сопол ва шиша буюмларни тўплаб олганлиги ҳақида архив ҳужжатларида қайд қилинган. У 1895 йилнинг 24 ноябрида ёзган бир хатида: "Мен Самарқанд губернатори томонидан Санкт-Петербургга Императорлик Археологиясига жўнатиладиган тугунларни очтириб кўрдим. Қадимий ашёларни кўриш чоғида шу нарса маълум бўлдики, улар асосан эътиборга моликсиз калла суюкларидан иборат экан. Уларни бемалол ахлатга ташлаш мумкин. Битта кўза бор, аммо ишлариши кўпол. Уни Самарқандда қолдириш ва биз очишни мўлжаллаётган археология музейига топшириш мумкин".

XIX асрнинг охирларида темирйўлнинг Самарқандгача келиши билан бу ерга турли кишилар келиб, бойликларни қўлга киритишга уриндилар. Франциялик Шаффинжон деган шахс Петербург археология комиссиясидан рухсат олиб, 1894-1895 йилларда Афросиёб харобаларидан кўплаб осори-атиқалар тўплаган. Афросиёбни шарқшунос В.Бартольд, қадимшунос Вяткин, Е.М.Массон, В.А.Шишкин, Я.Ғуломлар режа асосида илмий жиҳатдан пухта ўргандилар. Шунингдек, бу борада Самарқанд Археология институтининг олимлари Асқаров, Абдураззоқов, Тошхўжаев, Шораҳимов, Шишкина, Муҳаммаджонов, Буряков, Анорбоевларнинг ҳам хизматлари катта. Афросиёбни ўрганишга 1989 йилдан бошлаб, француз олимлари Поль Бернар, Франц Гренэ ва бошқалар жалб этилган.

Қазиш ва ўрганишлар натижасида мудофаа иншоотлари, шаҳарни сув билан таъминлаш тизими, кўча ва майдонлар, саройлар, ибодатхона, масжид ва мадрасалар, ҳунармандлар маҳаллалари ва устахоналари қолдиқлари аниқланди. Афросиёб марказидан топилган саройнинг жанубий қисмида жойлашган ибодатхона айниқса, диққатга сазовордир. Тўғри тўртбурчак шаклида пахсадан қурилган ибодатхона деворларига ажойиб расмлар чизилган, бино ичи ёғочдан ясалган санамлар билан безатилган. Бахтга қарши ибодатхонага ўт тушиб, бутунлай қуйиб кетган. Топилмалар ичида энг диққатга сазовори бир неча аёл ҳайкали ҳисобланади. Мазкур ҳайкалларда аёлларнинг жозибаси, қиёфаси ўз аксини топган.

Шунингдек, топилмалар ичида катта илмий аҳамиятга эга бўлган ашёлардан бири танга пуллардир. Подшо саройини қазиш вақтида 115 та танга топилган. Танганинг бир томонида сўғд ҳарфида пошдонинг номи, бошқа томонида эса ҳукмрон сулоланинг нишони тасвирланган. Бу танга пуллар Сўғд давлатининг ички бозорларида савдо муомаласида кенг юритилган.

Подшо саройи деворларидаги расмларда дабдабали кийинган подшо ва зодагонларнинг ҳаёти, расм-русумлари, урф-одатлари, ахлоқ-одоби акс эттирилган. Сарой ансамбли ҳар хил катталиқдаги уйлардан, хоналардан, йўлакчалардан иборат. Саройга шарқ томондан кирилган, дарвоза ёнида абадий олов ёниб турган. Дарвозадан кирилгач, узун ва кенг йўлак орқали тепаси гумбаз шаклида бўлган махсус хонага сўнг Сўғд ҳукмдори тахти ўрнатилган қабулхонага ўтилган. Шоҳона сарой томонларининг узунлиги ўн бир метрдан иборат, тўртбурчак шаклга эга. Ҳозир бу сарой қолдиқлари Афросиёб музейига айлантирилган.

1966 йилдан бошлаб, Афросиёб археологик қўриқхона деб эълон қилинган ва уни режали равишда илмий ўрганиш Ўзбекистон Фанлар Академияси зиммасига юклатилган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МАРОСИМ арафасидаги МАРОСИМ

Пазандачилик асосан аёлларимиз юмуши ҳисобланса-да, катта тантана ва маросимларда дошқозонларда дамланадиган ош учун сабзи тўғраш мутлақо эркакларнинг иши саналади. Шу сабабли, ҳар қандай катта йиғин арафасида «сабзи тўғрар» маросимини ўтказиш одатга айланган. Оиласида ўчоқбошига умуман яқин йўламайдиган эркак ҳам бу маросимда қўлига пичоқ ва оштахтани тутади ва ...сабзини қойилмақом қилиб тўғраб ташлайди. Бу удум болакайларимиз, ўсмирларимиз руҳиятига ҳам ёшликдан сингиб боради.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Топонимлар тарихини биласизми?

Вахдати вужуд сари йўл...

Шайх Шиблий тасаввуфда ўз таълимоти орқали инсонларни эзгуликка даъват этган

Фаридиддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" ҳамда Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарларида Шайх Шиблий номи билан улуғланган шайх ҳақида алоҳида эҳтиром билан сўз юритилади.

Бобур ўзи таржима қилган "Рисолаи волидия" асари хотимасида Шайх Шиблий исмини Жунайд Бағдодий номи билан бирга зикр этган. Зеро, асл исми Абубакр Шиблий бўлган шайх билан суҳбатда бўлиш замондошларининг орзуси эди. У зот дунёдан ўтгандан кейин ҳам унинг айтган ҳикматлари, шариат қонунларига оид фикрларидан уламолар ибрат сифатида фойдаланишган.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандийнинг асарларида Абубакр Шиблийнинг ким эканлиги атрофлича баён қилинади. Уларда ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин устози Саид Мир Кулолнинг суҳбатини қўмсаб, Насаф томон йўлга тушибди. Ҳазратнинг отини бир дарвеш бошқариб борарди. Ҳазрат Баҳоуддин дедиларки: "Мен Боязид Бастомий (қ.с.) мақомига сайр қилдим ва у борган жойга етдим. Шайх Жунайд, Шайх Шиблий, Шайх Мансур эгаллаган мақомларга ҳам кўтарилдим ва бир даргоҳга етдимки, ундан муаззамроқ, буюкроқ мақом йўқ эрди. Билдимки, бу Муҳаммад алайҳиссаломнинг боргоҳларидир"...

Тасаввуф таълимотида муҳим ўрин тутган Шайх Шиблий ўз таълимоти билан вахдати вужудга йўл очган. Яъни унинг фалсафасида инсофли, ғамхўр бўлиш, ҳалол меҳнат билан ризқу рўз топиш, борига шукур этиш зарурлигига даъват этилади.

Ҳозирда, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги маҳаллалардан бирига ушбу улуғ шайх номи берилган бўлса, Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган зиёратгоҳлардан бирининг номи ҳам "Шиблий бобо мозори" деб номланади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Эҳтиёткорлик — шарт!

Кичик хато — катта хавф

Яқинда Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро З.Каҳҳоровнинг хонадонида кўнгилсиз воқеа содир бўлди...

Уй эгаси гугурт ёқиб, газ ҳиди қаердан ва нима сабабдан чиқаётганлигини билмоқчи бўлганида ошхонага тўпланиб қолган газ ва ҳаво аралашмаси бир зумда алангаланиб кетди. Олов чангалида қолган уй эгаси 40 фоизли куйиш тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди. Бу каби нохуш воқеа Хоразм вилоятининг Шовот туманида ҳам юз берган. Ш.Мўминов хонадонида газ усталари эскирган газ ҳисоблагични олиб, ўрнига янгисини ўрнатишаётганида газ сизиб чиқаётган жойни қоидага зид равишда, яъни олов ёқиб текшириб кўришмоқчи бўлишди. Шу пайт тўпланиб турган газ алангаланиб, унинг оқибатида 2 нафар уста ва уй эгасининг турмуш ўртоғи оғир куйиш тан жароҳатини олишди.

Кўриниб турибдики, ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар фуқароларимизнинг, айрим ҳолларда эса ҳатто шу соҳа усталарининг малакасизлиги, масъулиятсизлиги оқибатида содир бўляпти. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёнғиннинг келиб чиқишига кўп ҳолларда ёш болаларнинг уйда ёлғиз, қаровсиз қолдирилиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Демак, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун аввало аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Айнан шу мақсадда жойларда 418 та гуруҳ тузилиб, уларга 636 нафар профилактика инспектори, 613 нафар ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими, 498 нафар газ ва электр таъминоти идоралари, ўқув ва даволаш муассасалари ҳамда ҳокимликлар вакиллари жалб этилди. Мазкур гуруҳлар томонидан кўпқаватли уйлар, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда 8269 маротаба рейдлар ўтказилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида газ ускунлари ва иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш туфайли 1201 та ёнғин содир бўлган. Бу ёнғинлар оқибатида 161 миллион сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлса, энг ачинарлиси, 15 нафар фуқаро (шулардан 2 нафари болалар) ҳаётдан бевақт кўз юмиб, яна 154 нафар фуқаро (31 нафари болалар) эса қаттиқ куйиш жароҳати олган.

Ҳа, ёнғин барча учун бирдек хавфли. Шу боис газ, олов билан муносабатда масъулиятли, эҳтиёткор бўлайлик. Зеро, юқорида қайд этганимиздек, бу хавф яқинларимиз, фарзандларимиз саломатлигига хавф солмасин.

Даврон ҚАМБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси капитани.

Кулги кўнгил ғуборини тарқатади...

Пиво сотувчисидан бир киши қизиқиб сўради.

— Бир кунда қанча пиво келтиришади?

— Юз литр.

— Ҳаммасини бир кунда сотасизми?

— Йўқ, етмиш литрини сотамиз, ортиб қолган эллик литрини эртасига қолдирамиз.

* * *

Эр-хотин қаҳвахонада ўтиришибди. Бирдан бегона бир аёл келиб, эрнинг юзидан ўпиб олди.

Жаҳли чиққан рафиқаси сўради:

— Вой, ким у?

— Бўлди қил! — дермиш эри унга. — Ҳали унга сенинг кимлигингни ҳам тушунтиришим керак.

* * *

— Мен қайнонамникига борсам, ароқ ичмайман!

— Нима, ароқ беришмайдими?

— Йўқ, бир марта шундай ичибманки, қайнонам кўзимга иккита бўлиб кўранди. Унақанги даҳшатга ҳеч қачон тушмагандим...

* * *

Операциядан чиққан бемор уни аравачада олиб кетаётган санитарларга дермиш:

— Эҳтимол мени палатага олиб борарсизлар?

— Йўқ, жарроҳ ўликхонага дедими, демак, ўликхонага!..

FUND FORUM. UZ

«ЯНГИ АВЛОД - 2007»
РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ
3 ЙИЛ ИЧИДА ҒОЛИБЛАР СОНИ - 384 ТА!
ЁШИНГ 6 дан 14 гача БЎЛСА,
СЕН ҲАМ ҒОЛИБЛАР ҚАТОРИГА ҚЎШИЛ!

Ўз йўналишингни танла:
• Мумтоз чолғу асбоблари (фортепиано, торли, зарбли ва бошқа созлар).
• Миллий чолғу асбоблари (торли, чертиб чалинадиган, зарбли созлар).
• Вокал (анъанавий ижро, академик ижро, эстрада).
• Рақс (миллий, бал, спорт, замонавий рақслар, балет).
• Амалий ва тасвирий санъат.
• Шеърият, насрий асарлар ва саҳна асарлари.

АРИЗАЛАР
2007 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН 1 ОКТЯБРГА ҚАДАР

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида қабул қилинади.

СЕНИНГ ИҚТИДОРИНГ + БИЗНИНГ ҚЎМАГИМИЗ = УМУМИЙ ҒАЛАБАМИЗ!!!

Батафсил маълумот учун телефон:
(998-71) 142-08-83, 142-05-56
www.fundforum.uz
e-mail: fonduz@mail.ru

МУҲАННИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда тадбиркорлик борасидаги ишларингиз бароридан келиши кутилмоқда. Бунинг учун аввало, сиздан тинимсиз меҳнат ва изланиш талаб этилади.

СИГИР(22.04-20.05)

Ишдаги фаоллигингиз ва ташаббускорлигингиз шу кунларда раҳбарият томонидан муносиб рағбатлантирилиши мумкин. Жумада эса сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Атрофдагилар билан самимий муносабатда бўлинг. Акс ҳолда ёлғизланиб қолишингиз мумкин. Дам олиш кунлари кино ёки театрга бориб, маданий ҳордиқ чиқаринг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда баъзи сабабларга кўра асабларингиз анча толиқиши мумкин. Бундай ҳолларда бировга жаҳл қилиб бошқа бировнинг дилини ранжитиб қўйишдан сақланинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳамиша хушкайфиятда бўладиган маэкур бурж вакиллари учун бу ҳафта ҳам фақат хурсандчиликлардан иборат бўлади. Шанба куни эса уй юмушлари билан банд бўласиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Кўпдан буён режалаштириб юрган ишларингизни айни кунларда амалга ошириш учун қулай имконият туғилади. Соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларга бефарқ бўлманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда оила аъзоларингиз билан муносабатда муросалироқ ва кечиримли бўлишга ҳаракат қилинг. Ахир ҳамма ҳам хатога йўл қўйиши мумкинку.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Яқин кунларда меҳмондорчилик ва турли зиёфатлар кўпайиб кетиши мумкин. Уларга берилиб ишингизга масъулиятсиз ёндашманг. Шанбада ота-онангиз холидан хабар олинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Айни кунларда сизга янги иш таклиф қилишлари мумкин. Бирор қарорга келишдан аввал яқинларингиз билан маслаҳатлашган ҳолда таклифни яхшилаб ўрганиб чиқинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Айни кунларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиб олинг. Пайшанба ва жума кунлари иш юзасидан сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ушбу бурж вакиллари учун айни кунларда серда-ромад келиши кутилмоқда. Даромаддан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг. Шу кунларда хушхабар эшитишинги мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни кунларда ижодкор инсонлар учун жуда сермаҳсул бўлиши кутилмоқда. Чоршанба ва жума рўзғор буюмларини харид қилиш учун жуда қулай кун ҳисобланади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна-берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳririятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳririят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳririят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳririят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 15 август 33 (583)

10755 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-720 Топширилди — 22.50
2 3 4 5 6